



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 24 октябрь, № 206 (6136)

Жума

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

АШХОБОД, 23 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 23 октябрь куни расмий ташриф билан Туркменистонга келди.

Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган «Сердар» ҳукумат қароргоҳига йўл олди.

Дастурга мувофиқ расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 24 октябрь куни бўлиб ўтади. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланади.

(ЎзА).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Аввал хабар берилганидек, 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Абдуҳакимов маъруза қилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида депутатлар Кенгашларининг депутатлари, барча даражалардаги ҳокимликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектларининг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Дастурнинг мақсади — демографик омилларни ҳамда иқтисодий ётаги тузилмавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Мажлисда таъкидландики, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари ҳудудларни, хизматлар ва сервис соҳасини ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш, қишлоқ жойларда яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва пудрат қурилиш ишларини

амалга ошириш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг рўёбга чиқарилишини инобатга олган ҳолда, бандлик ҳудудий тузилмасининг даражасини ошириш ва тақомиллаштиришга, меҳнат бозорига иш кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатлилигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида келгуси йилда ҳудудлар ва йўналишлар бўйича 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш ва 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилади. Умуман олганда, дастурнинг бажарилиши 987,5 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишига қўмақлашади. Бунда таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир фаол ҳамда аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тармоқ дастурларини инобатга олган ҳолда виллоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Раджабов Джўра Одилов** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси штаб бошлиғи

### II даражали

### «Шон-шараф» ордени билан

**Джураев Муроджон Турдибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Жумабаев Ерназар Абдиқадирович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

### «Дўстлик» ордени билан

**Абраев Гайрат Рамазанович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Хен Эдуард Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Хожаназаров Сатбай Бектурсинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «Мардлик» ордени билан

**Равшанов Кенжа Қулдашев** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи

**Эшбаев Баҳром Холбоевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

### «Жасорат» медаллари билан

**Абдуллаев Илхом Сайфутдинович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Бадалов Бекмурод Давлаталиевич** — Наманган вилояти Уйчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Байматов Хасан Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Жуманиязов Мурат Айтмуханбетович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исмоилов Улугбек Нематович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Кудратов Ваҳоб Холматович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлими командири

**Нурқуллов Обиджон Алимжонович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Рахимов Бахтиёржон Йўлдашович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Самадов Жалол Мавлонович** — Қашқадарё вилояти Қамачи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Ташпулатов Рустам Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

**Гаффаров Комилжон Исраилович** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи

**Ғозибеков Тўлқин Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Джалалов Фарход Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Жуманазаров Мухторбек Маткаримович** — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Исмаилов Бахтиёр Тухтасинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Каримова Гулруҳ Расуловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тиббиёт бўлими катта инспектор-шифокори

**Саиткаримов Фахриддин Пазлитдинович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Тошпўлатов Қобил Абдумуротович** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хаклиев Валижон Бадалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра доценти

**Шахакимов Шоасрор Шамуратович** — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи

### «Шухрат» медаллари билан

**Кодиров Улугбек Мирзаевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бўлими командири

**Мирзаев Ёқутжон Исроилжонович** — Фарғона вилояти Бағдод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Рашитов Маъруфжон Бахтиёр ўғли** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси инспектори

**Тангриев Жамшид Олимович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлими бошлиғи

**Умаров Неъматулла Асатуллоевич** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлими бошлиғи

**Худаков Қутлимурат Каландарович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

**Шокиров Илхомжон Муродалиевич** — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 23 октябрь

# ИСТИҚЛОЛНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб voyга етиши, ўз қобилияти ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Хусусан, таълим тизимини ривожлантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш, уларни бугунги кун талабига мос ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириляптир. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

## БОЛАЛАР СПОРТИ

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғармани тузишда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёшларимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънада оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олжизаноб мақсадларни ўз олдимиизга қўйганимизни таъкидлаб, жумладан, шундай деган эдилар: «Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар



қайси ота-онанинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашни энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади. Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимиизга мақсад

қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз». Мана шундай оқилона ёндашув, ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган ноёб тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар томонлама тўғри бўлганини ўтган йиллар давомида бажарилган ишлар ва уларнинг самаралари яққол тасдиқлайди. Хусусан, шаҳару қишлоқлари-

мизда бир-биридан кўркам, мухташам спорт мажмуалари — стадионлар, заллар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, гимнастика марказлари қад ростлади. Уларда ташкил этилган машғулотларда келажақ авлод вакиллари спорт билан астойдил шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, маънан етук бўлиб улғаймоқда.

(Давоми 2-бетда).



## САЙЛОВ — 2014

Яқинда Шанхай шаҳрида жорий йил 21 декабрь куни Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига бағишланган брифинг уюштирилди. Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консулиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Чжоушань шаҳри ҳамда Чжэцзян провинцияси ташқи ишлар департаментининг вакиллари қатнашди.

## Шанхайда брифинг

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қурилишининг асоси сифатида сайловларни очиклик ва ошкоралик принциплари асосида ўтказиш учун тўлақонли амалий ҳуқуқий пойдевор яратилгани қайд этилди. Сайловчилар сайлов округларининг тузилиши, комиссиялар таркиби, номзодларнинг рўйхатга олиниши, овоз бериш ва сайлов натижалари бўйича ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов комиссияларининг барча қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Умуман олганда, қонун талабларига тўла мувофиқ равишда сайловларнинг очиклик ҳамда ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган мустақил комиссиялар тизимининг тузилиши Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ислоҳ этиш соҳасида эришган муҳим муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2015 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2014 йилнинг 25 октябрдан 2015 йилнинг 25 январигача белгиланганини маълум қилади.

**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:**  
— республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, иxtиро ва илмий ишланмалар, жаҳон микёсдаги энг илғор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);  
— республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган иxtиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илғор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

адабиёти энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);  
— замонавий ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.  
Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва халқ килувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.  
Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишни бажарилишида кўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотига ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.  
Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадиий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Музыка, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томонидан тавсиянома хати ёзилди ва унда қуйидагилар кўрсатилади:  
— муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибда кўрсатилади);  
— ишнинг номи;  
— ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиши бўлиши; унинг тугалланган, нашр қилинган, қўрилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.  
Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг унингбосари имзолайди.

**Тавсиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**  
— ишнинг тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;  
— ишнинг қаерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда жисқача мазмуни (ҳажми 10 саҳифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши буюртмага кўра бажарилган бўлса, буюртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим;  
— муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга кўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;  
— ҳар бир муаллиф учун 4x6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ҳодимларни ҳисобга олиш varaқаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);  
— қўшимча 4 дона 4x6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;  
— илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қўрилган иморатлар ва иxtироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотолаблом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

Муқоваланган ишнинг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.  
Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**  
**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:**  
100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: (0-371) 233-59-46.  
**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:**  
100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона. Тел.: (0-371) 239-49-57, 244-13-90.  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.**

## МЕДИАТУР

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли ишлаб чиқариш объектларга ўрнатилаётган энг илғор технологик линиялар нафақат меҳнат унумдорлигини ошириш, балки атроф-муҳит мусоффолигига ҳам хизмат қилмоқда.

Жумладан, Зарафшон шаҳридаги Мурунгов конида ишга туширилган шундай ускуналардан бири атмосферага чиқарилаётган чангни 30 фоизгача камайтириш имконини берапти.

Шунингдек, юк ортиш ва ташиш ишларининг тик қия конвейерлар билан алмаштирилиши туфайли зарарли газлар тарқалиши йилига 10 минг тоннагача қисқарди.

Умуман, комбинат корхоналаридаги 270 та чанг тозалаш иншооти шарофати билан худуднинг атмосферага салбий таъсири қарийб икки баробар камайди, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Темиров.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан уюштирилган экологик медиатурда оммавий ахборот воситалари вакиллари Навоий кон-металлургия комбинатига амалга оширилаётган ана шундай ишлар билан таништирилди. Сафар давомида журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам комбинат мутахассислари атрофлича жавоб бердилар.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК** **SNP Shurtan Navoi Plast-PE**

### «POLIETILEN QUVURLAR» ШК

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида**

**диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.**

**Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.**

Махсулот сертификатланган.

**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.**

Шунингдек, буюртмаларни [pe-plast.uz](http://pe-plast.uz) сайти ва [pe\\_plast@mail.ru](mailto:pe_plast@mail.ru) электрон манзилга юборишингиз мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўргони.**

**VEGA ERP**  
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

**VEGA**  
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш  
Ишлаб чиқаришни бошқариш  
Маблағларни режалаштириш  
Ходимлар менежменти  
Корхонанинг ҳисоботи

[www.vega.uz](http://www.vega.uz)

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 "VEGA"

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.  
Факс: (+998 71) 267-71-90.  
e-mail: [info@vega.uz](mailto:info@vega.uz)  
web: [www.vega.uz](http://www.vega.uz)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ОНАУС» тарозилари

Ишончли Аниқ

Кенг танлов [www.fortek.uz](http://www.fortek.uz)

Махсулот сертификатланган.

Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50. e-mail: [office@fortek.uz](mailto:office@fortek.uz)  
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: [www.fortek.uz](http://www.fortek.uz)

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ**  
**Наманган вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Поп тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 23 сентябрдаги 16-1305/827-сонли ижро varaқасига асосан хатланган, «Ботир» ХҒга тегишли, Наманган вилояти, Поп тумани, «Халқобод-2» МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 7460 кв.м., бино-иншоотларнинг фойдаланиш майдони 857,18 кв.м., қурилиш ости майдони 984,44 кв.м. бўлган АЕКШ бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 267 750 039 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 26 ноябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 24 ноябрь кунин соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:  
Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.  
Телефон: (0-369) 227-97-01.  
[www.1kms.uz](http://www.1kms.uz)

Хизматлар лицензияланган.

## POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

**Micros**  
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари | Моноблоклар | Харидор учун дисплей | Чеклар принтери | Тарозилар

**ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:**

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат махсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калит билан».

Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИҲХБ биноси қаршида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.  
[www.micros.uz](http://www.micros.uz)  
e-mail: [scales@ucd.uz](mailto:scales@ucd.uz), [micros@ucd.uz](mailto:micros@ucd.uz)

